

## ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРИСТИК ТАШКИЛОТЛАРНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁГА КИРИБ КЕЛИШИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ САБАБЛАРИ

Каримов Абдумалик Абдумутал ўғли

Мустақил тадқиқотчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18021494>

**Анотация.** Мазкур мақолада экстремистик ва террористик ташкилотларни Марказий Осиёга кириб келишининг ижтимоий-сиёсий сабаблари ва унинг оқибатлари қайд этилган.

**Калит сўзлар:** экстремизм, терроризм, жамият, хавфсизлик.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются социально-политические причины и последствия проникновения экстремистских и террористических организаций в Центральную Азию.

**Ключевые слова:** экстремизм, терроризм, общество, безопасность.

Марказий Осиё минтақаси ўз тарихида ҳеч қандай ақидапарастлик ва жангарилик унсурларини олиб қирмаган. Аксинча, минтақада ислом дини ёйилган вақтдан бугунги кунга қадар инсонпарварлик ва бағрикенглик анъанаси устувор бўлиб келмоқда. Ўрта асрларда Араб Шарқида айрим суфий бирлашмалари жангариликни намоён қилган ҳамда инквизиция ва жазолаш ишларини амалга оширган вақтларида ҳам Марказий Осиёда суфийлик инсонга муҳаббат ва бағрикенглик ғояларини ривожлантирган.

Айни вақтда, барча даврларда у ёки бу этник гуруҳга мансублик боғловчи (бирлаштирувчи) омил сифатида муайян вазифани бажаргани учун ҳам Марказий Осиёда қарор топган ислом дини миллийликдан холи эмаслигини намоён этганини таъкидлаш зарур. Шунинг учун ҳам, XX-асрнинг бошларидаги араб модернистларидан фарқли равишда жаидлар ҳаракати жохилликдан йироқлашиб, ўз кучларини биринчи навбатда диний ва миллий онгни ўстиришга сарфлаган эдилар.

Ўрта асрларда Марказий Осиёдаги диний бағрикенглик, инсонпарварлик майллари, фан ва санъатнинг ривожланиши Араб Шарқида қаршиликни келтириб чиқарди. Натижада XIII–XIV асрларда бугунги кундаги тузилмаларини шакллантираётган экстремистлар ғоявий жиҳатдан таянаётган ақидапараст “Сохта Салафийлик” оқими юзага келди.

Ўрта асрларда Ибн Таймия, Муҳаммад ибн Абулваҳҳоб каби сохта салафийлар Марказий Осиё мутафаккир олим ва уламоларини “ислом моҳиятини сохталаштириш”да<sup>1</sup>

---

1

айблаб, ислом давлатини идеаллаштиришга асосланган қарашлар тизимини ишлаб чиқдилар ва “жиҳод”ни унга эришишнинг асосий воситаси сифатида эълон қилиб, ўз ғояларига жанговарлик тусини бердилар. Шундай қилиб, сохта салафийлик ҳам ҳокимият учун курашнинг маҳсули ҳисоблана бошлади.

Ибн Таймия “салафийлик” оқимининг дунёқараши, фикҳий ва фалсафий-ғоявий асосларини яратди. Бу эса ўз навбатида оқим тарафдорларининг кўпайишига сабаб бўлди. Ибн Таймия таълимотининг барча методологик ва ғоявий тамойиллари даврлар мобайнида турли исломий оқимлар томонидан фойдаланилиб келинди ва ҳозирда ҳам фойдаланилмоқда.

Шу тариқа, XVIII асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб сохта салафийлик асосида Арабистон ярим оролида ҳокимият учун кураш олиб боришга мослаштирилган “ваҳҳобийлик” таълимотини яратди.

Хусусан, диний экстремизмнинг минтақада намоён бўлиши юзасидан Россиялик исломшунос олимлар ва мамлакатимиздаги мутхасассилар томонидан берилган манбааларга кўра, Марказий Осиё минтақасида XX асрнинг 70 охири ва 80 йиллар бошларида хорижий экстремистик марказлар саъй-ҳаракатлари билан шакллана бошлаган. Минтақада хориждан келаётган молиявий ёрдам ҳисобига жангари сифатида фойдаланиладиган шахсларни танлаш ва тайёрлаш билан шуғулланадиган гуруҳлар пайдо бўлган. Ўз ўрнида диний экстремистик ғояларнинг Марказий Осиёга кириб келиш даврини бир неча босқичларга бўлиб кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**I босқич** (1970-1985 йиллар). Узоқ давом этган атеистик сиёсатнинг натижаси бўлган танқидий муносабатларнинг йиғилиб қолиши, аҳоли ўртасида динга бўлган эътиқоднинг сусайиши, кўплаб мусулмонларнинг диннинг асосий талабларидан (*намоз, рўза, закот ва ҳаж*) узоқлашувини айрим уламолар исломга нисбатан қилинган тўғридан-тўғри таҳдид сифатида баҳоладилар. Хаттоки, атеистик давлат сиёсати олиб борилаётган шароитда ҳам “исломий жамият тузиш орқали муаммоларнинг сиёсий ечимини хал қилиш мумкин”, деган хулосага кела бошладилар.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ҳудудида исломий давлат барпо этиш мақсадларига қаратилган бўлиб, жамиятни исломийлаштириш саъй-ҳаракатларини талаб этарди. Бу хатти-ҳаракатларни амалга ошириш учун қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- ўз ортидан халқ оммасини эргаштира билиш иқтидорига эга булган ғоявий раҳнамоларни тайёрлаш;

- чет эл диний марказларининг бевосита таъсири ва иштирокида (*энг аввало Фаргона водийсида*) яширин диний ўқув тизимини шакллантириш.

Бунда Ўзбекистон олий ўқув юртларига араб мамлакатларидан ташриф буюрган талаба ва аспирантларнинг имкониятларидан фойдаланиш ҳам режалаштирилди. Яширин диний мактабларда (хужра) ёшларга диннинг жамиятга таъсирини кучайтириш, теократик давлатни барпо этиш ҳақидаги ғоялар сингдирилди.

Бу даврнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, асосан ёшлар оммасидан иборат бўлган эътикод қилувчиларнинг чет эллардаги ўз маслакдошлари билан алоқа қилишлари нихоятда чеклаб қўйилган эди. Фақат ушбу босқичнинг якунига келибгина ёшлар орасидан чиққан маҳаллий мусулмонлар билан уларнинг чет эллик диндошлари ўртасидаги алоқалар мустахкамлана борди. Диндорларнинг асосий қисмини Ўзбекистонга тахсил олиш учун келган “мусулмон биродарлар” - талабалар ва ёш олимлар ташкил этди.

Юқоридаги жараёни бир вақтнинг ўзида, собиқ Совет Иттифоқининг мусулмон халқлари яшайдиган ҳудудларидан хорижий диний ўқув юртларига юборилаётган ёшларга нисбатан олиб борилган мафкуравий “ишлов”ларда ҳам кузатиш мумкин эди. Ёшларнинг онгига таъсир қилишда Миср, Сурия, Ливия, Судан, Иордания ва бошқа араб мамлакатларидаги салбий кучларнинг таъсири, айниқса, сезиларли бўлди.

Радикал кайфиятдаги диний уламолар орасида асрлар давомида ханафий илоҳиёт-ҳуқуқ мактабларида жорий қилинган ҳолатларга, айниқса, унинг “Мотурудия” (Абу Мансур Мухаммад нбн Мухаммад ал-Ханафий ас Самарқандий, 870-944 йиллар, томонидан асос солинган илоҳиёт мактаби) каби мўътадил шаклига нисбатан норозилик муносабатлари туғила бошлади<sup>2</sup>.

Жумладан, унинг дунёвий давлатдан диннинг ажратилишини қонунлаштирилган мусулмон жамоаларининг ноисломий давлатда яшаши мумкинлигини қонуний инкор этмагани, айрим шариатгача бўлган даврда шаклланган ва айрим ношаръий урф-одат ҳамда анъаналарнинг мавжуд бўлишига ҳам йўл қўйиш мумкин бўлган ҳолат деб ҳисоблаганидан норозилик юзага кела бошлади. Бунинг натижасида мотурудия талимотидан воз кечиш, узоқлашиш ҳақида айрим уламолар 80-йилларнинг бошларидаёқ очикдан-очик фикрлар айта бошладилар.

Жумладан, вужудга келган шароитда, яъни жамоанинг исломий характериға нисбатан таҳдид туғилган вақтда, “мотурудия” талимотидан бутунлай воз кечишга тўғри келади. Бунинг сабаби ислом динига янгилик ва жоҳилиятни олиб киришга уринаётган шахсларни йўлига ушбу таълимот ўзига хос тўсиқ эди.

<sup>2</sup> 870-900 йилларда Ироқ, Яман, Сирия, Миср, Хуросан ва Мовароуннаҳр ҳудудида юзага келган диний-сиёсий экстремистик оқим.

Унинг ўрнига ибтидоий ислом жамоасига йуналтирилган сохта салафийлик (фундаментализм) қонун-қоидаларини дастурил-амал учун асос қилиб олиш таклиф қилинди.

**II босқич** (1985-1989 йиллар). Қайта қуриш даврида жамиятни демократлаштиришни амалга ошириш тўғрисида эълон қилинган шиорлар остида Покистон ва Эрон Ислом Республикалари, Бирлашган Араб Амирлиги, Саудия Арабистони Қироллиги каби мамлакатлардан экстремистик руҳдаги диний адабиётларнинг минтақага кириб келиши, миссионерлик ва диний- тарғибот фаолиятининг фаоллашуви даври<sup>3</sup>.

Чекланган Совет қўшинлари контингентининг, 1989 йилга қадар давом этган “афғон можароси”даги инқироzi, диний шиор ва талаблар билан чиққан кучларга қарши жанг қилишнинг мураккаблигини кўрсатди. Ушбу ҳолат ушбу кучларнинг ғоялари кейинчалик Марказий Осиё минтақасига йўналтирилишига асос бўлиб хизмат қилди.

**III босқич** (1989-1993 йиллар) Ўзбекистонда исломий ҳаракатларнинг кучайиши даври. Диний фаолларнинг кўп йиллар ичида биринчи марта очикдан-очик талаблар билан чиқиши бўлиб, улар диний ҳаётга алоқадор масалаларни мустақил ҳолда ечишга интилдилар. Айрим таҳлилчилар бу даврни “Қизил ислом инқилоби” деб ҳам атайдилар.

Бу давр исломнинг очикдан-очик сиёсийлашуви, унинг радикал қанотининг фаоллашуви билан ҳам боғлиқки, Фарғона водийсида, яна ҳам аниқроғи, Наманганда содир бўлган воқеалар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Андижондаги оммавий чиқишлар аввалгисидан бир оз сустроқ бўлсада, бу намоёнларда “худосиз ҳукумат” билан курашга киришиш, Ўзбекистоннинг ушбу ҳудудида конституциядан ташқари ярим ҳарбий ташкилотларни (жумладан, “Адолат уюшмаси”, “Ислом лашкарлари”, “Ёш жиходчилар уюшмаси”, “Жиходчилар” каби) барпо этиш тўғрисидаги қақириқлар очикдан-очик янгради<sup>4</sup>.

Номлари қайд этилган ташкилотлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ёрдамлашиш баҳонасида уларнинг ўрнини эгаллаб, жинойтчиликка қарши курашишни ўз кўлларига олмоқчи бўлган бўлсаларда, аслида жамият ҳаётини шариат қонунлари асосида ташкил қилиб, бу қонунларга итоат этмаганларнинг барчасини жазога тортишни мўлжаллаган эдилар. Айнан шу даврда биринчи марта диний асосдаги сиёсий партия “Ўзбекистонда ислом тикланиш партия”сини барпо қилишга уринишлар содир этилди.

<sup>3</sup> Бабаджанов Б. Ферганская долина: источник или жертва исламского фундаментализма // Центральная Азия и Кавказ. 1999, № 5. – С. 27-30.

<sup>4</sup>

Тожикистондаги диний муҳолифатга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга, яширин диний мактабларининг (хужра) кенг тармоғини яратишга ҳаракат қилинди, Ислом давлатини яратиш мақсадида аҳолини босқичма-босқич исломлаштириш ҳаракатларининг 30 дан ортиқ бандни ўз ичига олган дастурини яратиш ва тарқатиш, чет эллардаги ўз маслакдошлари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиб, уларнинг мумкин қадар жипслашувига ҳаракат қилдилар.

Аммо ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тезкор ва манзилли саъй-ҳаракатлари туфайли уларнинг оммавий намоёнишлар уюштириш ҳамда куч ишлатиш усуллари билан ўз мақсадларига етишиш йўлидаги уринишлари барбод қилинди.

Реакцион диндорларнинг йўлбошчи ва раҳнаmolари, мамлакатда теократик тузумни ўрнатиш орқали ундаги вазиятни тез ва қатъият билан бутунлай ўзгартириб юбориш ҳақидаги режалари амалга ошмагач, қонуний ҳокимиятга қарши очиқдан-очиқ курашдан воз кечдилар.

Ўзларининг келажакдаги мақсадларини амалга ошириш учун керак бўладиган шарт-шароит ва заминни ҳозирлашга барча саъй-ҳаракатларни йўналтириб, яшириниш шароитларига ўтиб олдилар.

**IV босқич** (1993-1999 йиллар) Очиқдан-очиқ диний фаолликнинг йўқлиги, “кучларни тўплаш”, ёшлар ва аёлларга урғу берган ҳолда Ўзбекистон аҳолисини исломлаштиришга уриниш даври ҳисобланади<sup>5</sup>.

Бундай йуналиш узокни ўйлаб қилинган режаларни ўз ичига олади. Ҳаётий тажрибаси бўлмаган, ғоявий маслаги шаклланмаган ёшлар радикал ғояларни қабул қилишга мойилроқдирлар. Айниқса, бу иш бир мақсадни кўзлаган ҳолда бажарилса, ёшларга “сен бу ташкилотга киришинг билан ёки мана бу ишни бажариш билан алоҳида, ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган шарафли ишга қўл урган бўласан, керак бўлса, сен миллат, дин, инсониятнинг халоскорига айланасан!” - деган фикр билан ишонтирилса, улар янада тезроқ эргашадилар.

Диндорлар 1994 йилдан бошлаб, аёлларнинг ўзбек oilаси ва болалар тарбиясидаги мавқеини чуқур англаган ҳолда Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги аёллар орасида тарғибот ишларини фаоллаштириб юбордилар. Бу ишларни амалга ошириш учун аёллар хужралари, мадрасаларини ташкил этиб, аёллардан кўплаб мураббий - отинойиларни ҳам етиштирдилар.

Уларнинг хатти-ҳаракатлари тез орада ўз махсулини бера бошлади: қизларда умум мажбурий ўрта мактабларга боришдан, бадий адабиётлар ва матбуот нашрларини ўқишдан, телекурсатувларни тамоша қилиш ва жамоат ишларида фаол иштирок этишдан бош тортиш ҳолатлари учрай бошлади. Диний либосларни кийиб юришга мойиллик ва шу каби ҳодисалар кузатилди.

Айнан шу даврда қатор чет давлатларда тузилаётган “жанговар авангард” сафлари учун Ўзбекистон ёшларини жалб қилиш бошланди. Халқаро террорчилик тузилмалари билан алоқалар ўрнатиш ва мустахкамлаш, диний ташкилотларни молиявий жихатдан таъминловчи манбаларни, шу жумладан, чет эллардаги клерикал марказларни аниқлаш, ўз маслакдошларини давлат муассасаларига киритишга уриниш каби ҳолатлар бу даврга хос хусусиятдир.

**V боскич** (2001 йилдан ҳозиргача). Ушбу даврни аввалги босқичларда амалга оширилган ишларнинг натижасида кўпуровчилик-террорчилик фаолияти шаклларига ўтиш даври дейиш мумкин. Буларни куйидаги мисолларда кўришимиз мумкин:

1) “Ҳизбут - таҳрир” ДЭТ томонидан радикал диний ғояларни ўз ичига олган варақаларни оммавий равишда тарқатилиши ва ҳаракатларни фаоллаштиришга қаратилган чақириқлар.

2) 1999 йил 16 феввалидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаётига суиққасд қилиш учун уюштирилган террорчилик ҳаракатлари. Ушбу кўпуровчилик ҳаракатларининг барчаси танланган объектларнинг аниқлиги билан ҳам алоҳида фарқланади. Жумладан, ижроия ҳокимият биноси, яъни Вазирлар Маҳкамаси, Вазирликларнинг маъмурий биноси, Ўзбекистон Миллий банк биноси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари, МХХ бошқармасининг биноси.

3) 1999 йил 30 март куни Хоразм вилояти Питнак шаҳрининг “Саримой” блок постида (ислом динини қабул қилган корейц миллатига мансуб “Сергей-Абдуллоҳ” раҳбарлигида) террорчилик гуруҳи томонидан гаровга олинган “Тошкент - Ургенч” йўналишидаги автобус ичидаги 28 нафар фуқаролар.

4) 2000 йилда Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли ҳудудлари орқали республикаимиз ҳудудига Тожикистон ва Қирғизистон республикаларидан кириб келган кўпуровчилик гуруҳларининг ҳаракатлари;

5) 2004 йил 28-31 март ва 30 июль кунлари Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида содир этилган террорчилик ҳуружлари;

6) 2005 йилнинг 12-13 май кунлари Андижон вилоятида “Акротийлар” экстремистик ташкилотининг жанговар гуруҳлари томонидан вилоят ҳокимияти, ҳуқуқ - тартибот

идоралари ҳамда мудофаа вазирлиги объектларини эгаллашга қаратилган очикдан - очик террорчилик хужумлари ҳамда ўз хизмат вазифасини бажарувчи ҳуқуқ - тартибот идоралари ходимларини гаровга олиш ва қийноқларга солиб, қатл қилиш;

7) 2009 йил 25-26 май кунлари Андижон вилоятининг Хонобод ва Андижон шаҳарларида “Исломий жиход иттиҳоди” террорчилик гуруҳи томонидан Хонобод шаҳар ИИБни эгаллаш мақсадида уюштирилган қуролли хужум ва Андижон шаҳрида 2 нафар “террорчи”ларни ўзини-ўзи портлатиш йўли билан содир этган террорчилик хуружлари;

8) 2009 йил июль - сентябрь ойларида Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ўзларини “Ислом жиходчилари” деб номлаган диний экстремистик гуруҳ томонидан диний идора ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини жисмоний йўқ қилиш йўли билан содир этган қўпуровчилик ҳаракатлари.

2001 йил 11 сентябрда АҚШ давлатига нисбатан содир қилинган террорчилик хуружларидан сўнг шу йили Афғонистондаги “аксилтеррор” компаниясининг бошланиши билан бу мамлакат ҳудудининг халқаро террорчилик ташкилотлари, шу жумладан, “Ал-Қоида” ва “Туркистон Исломий Ҳаракати” учун таянч базаси бўлиш вазифаси камайди<sup>6</sup>.

Халқаро ҳамжамятнинг терроризмга қарши курашишда ўзаро бирдамлиги вужудга келди. Халқаро террорчилик тузилмалари Афғонистондаги воқеаларга жавоб тариқасида ўз фаолликларини дунёнинг бошқа давлатларига қўчирдилар.

Афғонистондаги “аксилтеррор” ҳаракатларига бош қўшган мамлакатлар АҚШ ва бошқа давлатлар террорчилик гуруҳларининг асосий зарбаси қаратилган объектларга айландилар.

Ўзбекистонда, унинг атрофида ҳаракатда бўлган диний экстремистик гуруҳ ва кучларни қайта ташкиллашуви, фаолиятнинг янги шакллари излаши, уларда раҳбарларнинг алмашинуви, олдин мавжуд бўлмаган сиёсийлаштирилган диний тузилмаларнинг майдонга чиқиши содир бўлди.

Умуман олганда эса, диний экстремизм минтақада яширин, кейинроқ очик-ошкора ташвиқот ва зўравонликка асосланган фаол ҳаракатлар, сўнг унга қарши қаратилган чоратadbирлар натижасида яна ўта махфий ишлаш асносида тарғибот олиб бориш ва юқорида қайд этилган қўпуровчилик хуружларини содир этиш каби босқичларни босиб ўтди, дейиш мумкин.

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш–юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,»Ўзбекистон»,2017.– 48.Б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72–сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. –Т., 2017. 20 сен.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.07.2018 йилдаги ЎРҚ-489-сон // [хтtps://lex.uz/уз/досс/3841957](https://lex.uz/уз/досс/3841957) муроджаат санаси 24.01.2024 йил
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони “«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон [хтtps://lex.uz/досс/6600413](https://lex.uz/досс/6600413)
5. Абдуллаев А. Ижтимоий тармоқларнинг социал психологик таъсири // “Ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт”. – Т.: 2012. – Б. 283-284.
6. Экстремизм ва Терроризми билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси МГ ХТИ .Илмий амалий тавсиялар амалий қўлланма 1156 А.К.Закурлаев
7. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари жамиятдаги тинчлик хотиржамликни таъминлаш гаровидир Received: 17th January 2023 Accepted: 27th January 2023 Online: 28th January 2023 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7578709> 190-194 А.Закурлаев
8. Экстремизм ва Терроризми билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси Наманган вилояти мисолида Ўзбекистон Республикаси ЖХУ нашриёти. Амалий қўлланма Илмий амалий тавсиялар 2025 феврал 1156 А.К.Закурлаев
9. Экстремизм ва Терроризми билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси Андижон вилояти мисолида Ўзбекистон Республикаси ЖХУ нашриёти. Амалий қўлланма Илмий амалий тавсиялар 2025 март 195 б А.К.Закурлаев
10. Терроризм ва экстремизмга қарши кураш: жаҳон тажрибалари ва маҳаллий ёндашув 4 бет Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-поцессуал маъмурий қонунчилигини замонавий талаблари билан уйғунлаштириш:30 йиллик амалий тажриба ва ривожланиш истиқболлари мавзусидаги халқаро онлайн илмий амалий конференция 2025 йил 4 апрел 193-196 А.К.Закурлаев

11. Каримов А. Ўзбекистонда фаолият юритаётган норасмий оқим ва гуруҳлар.-Т.: Мовароуннаҳр 2004. – Б.31-32.
12. А.Закурлаев, Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тариқатчилик, аслият ва моҳият. Ўқув услубий қўлланма Т: 2010 Б. 22-29.
13. Каримов А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдиэлари ва замонавий қўринишлари – Тошкент, 2011. – Б. 32.
14. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари .-Т.: ТИУ.2016- Б.112.
15. 870-900 йилларда Ироқ, Яман, Сирия, Миср, Хуросан ва Мовароуннаҳр худудида юзага келган диний-сиёсий экстремистик оқим.
16. Бабаджанов Б. Ферганская долина: источник или жертва исламского фундаментализма // Центральная Азия и Кавказ. 1999, № 5. – С. 27-30.